




Аврангзеб Оламгир

«У - адолатли халифалар давомчиси эди».
Шайх Али Тантовий

Мазкур хикоямиз кахрамони Марказий Осиёда 300 йилдан ортик ҳукмронлик қилган (1526 - 1858-йй.) бобурийлар зурриёти ҳисобланади. Бу сулолага Заҳириддин Муҳаммад Бобур асос солган. Бу император она томонидан монғоллар хони Чингизхонга, отаси томонидан қудратли подшоҳ Амир Темурга бориб такалади. (Ушбу шахс теурийлар сулоласининг асосчиси ҳисобланади). Заҳириддин Бобурдан сўнг ҳукуматга ўгли Ҳумоюн келган. Сўнгра Ҳумоюн мирзо ҳукуматни Жалолиддин Акбарга топширади. Акбар даврида мамлакат юксалишни бошдан кечирган. Аммо яхлит тарихий давр нуктаи назаридан, бобурийлар салтанати, Махатма Ганди таърифлаганидек, «бир миллат - икки эътикод»дан иборат янги ҳинд давлатчилиги шаклланишидаги етакчи омиллардан бири бўлди. Шу боис Ҳиндистонда шаклан ва мазмунан «на ҳиндларники ва на мусулмонларники бўлган ҳинд-мусулмон маданияти тугал қарор топди». Сўнгра тахтга Жаҳонгир мирзо келади. У ҳам отасининг йўлини давом эттиради. Ундан сўнг империяга унинг ўгли Шохжаҳон келади. Унинг ҳукмдорлик даври отаси ва бобосига қараганда, биров фарқ қилган. У ўзининг ҳукмдорлик даврида португал салибчилари билан муваффақиятли муҳорабалар олиб боради. Бу султон севиқли ёри Мумтоз Махал

шарафига Тожмахал макбарасини бунёд этган. Бунинг учун 20 000 ишчи жалб килган эди. Шу пайтда салибчилар ва сафавийлар хар тарафдан тахдид сола бошлайдилар. Хукумат кучсизлашиб, мамлакатга карши исёнлар кўтарила бошлайди. Шохжахондан сўнг, унинг ўли Доро Шукух хукуматга келади.

Хиндистонда Ислом кулаши арафасига келган бир пайтда...

Аллох таоло бу умматнинг ахволини ўзгартирувчи инсонларни ўзи юбориб кўяр экан. Бу воқеалардан бир неча йил аввал келиб чиқиши Умар ибн Хаттобга бориб такалган хиндистонлик шайх Ахмад Сархандий амирлар ва лашкарбошиларни Аллох таолонинг ҳақ динига чакирган. Ундан сўнг ўгли Мухаммад Маъсум Сархандий отасининг йўлини давом эттиради. Шайх Мухаммад Маъсум бир неча йиллардан сўнг униб чикувчи Ислом дарахтининг уругини сочади ҳамда султон Шохжахоннинг фарзандини тарбиялай бошлайди. Унга ханафий мазхаби бўйича илм ўргатади. Бўлажак султон фикх илми, араб, турк, форс тиллари ҳамда хуснихатни ўрганади. Отда чопишни ўрганиб, кучли баходирлардан бўлиб етишади. Сўз килмокчи бўлган кахрамонимиз Абу Музаффар Мухйиддин Мухаммад Аврангзеб Оламгир. Аврангзеб форс тилида «Тахт зийнати», Оламгир эса «Оламни забт этувчи» деган маънони англатади.

Ислом баходири Аврангзеб Оламгир Доро Шукухнинг хукуматига карши чиқиб, ўша пайтнинг ўзида мамлакатга карши кўтарилган исёнларни бартараф килган. Аврангзеб Оламгир хукумат тизгинини ўз кўлига олгандан сўнг, Хиндистондаги бу Ислом империяси 1658 - 1707 йиллар орасида муваффақият қозонди. Аврангзеб шахсияти ва давлатчилик фаолияти нисбатан ижобий баҳоланган. Аврангзеб Хиндистон ярим оролини Ислом байроғи остида бирлаштиради. Унинг даврида мусулмонлар 30 марта жанг қилиб, 11 мартасида султон Аврангзеб жангга ўзи кўмондонлик қилган. Кейинчалик Аврангзеб бошқарган империядан 8 ўлка ажралиб чиққан. Улар: Хиндистон, Покистон, Бангладеш, Афғонистон, Эрон, Непал, Бутан ва Бирма (Мьянма).

Аврангзеб халқдан олинувчи солиқни бекор қилган. Унинг даврида масжидлар, мактаблар, шифохоналар ва хаммомлар бунёд этилиб, йўллар тузатилиб, сайил боғлар фойдаланишга топширилган. У пайтда Дехли жаҳон марказига айланган. Козихоналар ташкил этилиб, ҳар бир шаҳарга хукумат вакиллари қўйилган. Аврангзеб Исломда собит туриб, шариат ҳукмларига итоат этган. Султонни олдида ерни ўпиб, таъзим қилишни ман қилган. Султон билан саломлашишда ортиқча сўзлардан воз кечиб, Ислом саломи билан чекланишни амр қилган. Маст қилувчи ичимликларни шаҳарга олиб киришни тақиқлаган. Саройдаги ўнлаб мусикачиларни йўқ қилган.

Султон Оламгир муқаддас Куръони қаримни қирк ёшида тўлиқ ёд олган. Яъни султон бўлгандан сўнг тугатган. Қозиларга ханафий мазхаби асосида ҳукм чиқаришни амр қилган. Унинг тақлифига кўра, (Ханафий мазхаби асосида) «Фатафа ал-Хиндия» ёки «Фатава ал-Оламги-рия» китоби ёзилган. Бу китобни ҳозирда ҳам толиби илмлар яхши биладилар. Аврангзеб шарофати билан ҳозирги Покистоннинг Лаҳор шаҳрига Бадшахи масжиди барпо этилган. У масжидда ҳозирги қунгача ибодат қилиб келинади. Султон Оламгир Хинд океанидаги португал салибчилари ҳаракатига барҳам берган. Муқаддас Рамазон ойида Хиндистоннинг офтобида пишган арпа унидан бўлган нон билан рўза тутар эди. У ўз кўли билан Куръони қаримни нусхаларга кўчирган. Ҳеч қачон мусулмонлар ҳазинасидан қун кўрмаган. Аврангзеб ҳар ҳафтада уч марта рўза тутишга одатланган эди. Намозни доим жамоат билан ўқиган. Тарових намозларида мусулмонларга ўзи имом бўлар эди. Рамазоннинг охириги ўн қунлигида масжидда эътикофда ўтирган. Султон Аврангзеб Аллохга кўп ибодат қилиб, олимларни ҳурматини

жойига кўйиб, улар билан кенгашиб турган ҳамда ўз вазирларини уларга кулок солишга буюрган. У Бангладешдаги ноибини тахтга ўхшаш ўриндикка ўтирганидан хабар топиб, унга каттик танбех берди ва одамлар қандай ўтирса, шундай ўтиришини буюрган. Султон Аврангзеб аввалги подшолар каби одамлардан ҳадя олмаган. У ҳар куни ҳеч қандай кўрикчисиз халқ билан учрашиб уларни дардини эшитган. Хиндистоннинг барча ҳудудларида Пайгамбар алайҳиссаломнинг суннатини кенг тарғиб қилиб, бидъатларни тарқ этишга ундаган. Аллохнинг динини етказишда, бир қанча мухорабалар олиб борган. Шунингдек, у хинд подшолари билан мусулмонларга қарши иттифок тузган сафавийлар (шиалар) билан жанг қилган. Султон Оламгир ўз даврининг энг улуг подшоҳи саналган. У нафакат Аллох йўлида курашувчи баҳодир, балки шоир ва ёзувчи ҳамдир. Ислом галабаларини ўз ичига олган бир қанча шеърлар битган. Дунёга муҳаббат қўймаган, адолатли султон Оламгирни кўрган миллионлаб хиндлар Исломни қабул қилганлар. Унинг улуг империясида азон товуши Химолайдан тортиб Хинд океанининг соҳиллари ва Бангладешдан Тожикистонгача эшитилиб турган. Аврангзеб давлатнинг ҳавфсизлигини ўйлаб, ҳажга бора олмаган. Шундай бўлса ҳам Маккадаги Масжидул Харом ва Мадинадаги Пайгамбаримиз алайҳиссаломнинг масжидларига ўз қўли билан нусха қўчирган иккита Куръон Китобини юборган. Хиндистон империясини оқил идрок ила бошқарган Аврангзеб 90 ёшга чиққанига қарамай, рўза тутиб, тунлари намозда қоим бўлар ҳамда халқини арзини эшитишдан эринмас эди.

1707 йили 20 февралда (х. 1118 й. 28 зулкаъда) ярим асрдан ортиқ курашган Аврангзеб Оламгир умри ниятига етганини аңглайди. У фарзандларига ўз қўли билан ип йигириб, бозорга яширин сотиб тўплаган пулига олган беш рупиялик кафанига ўраб қўмишларини васият қилган. Шунингдек, унга атаб макбара қуришларини ман қилган. У ўлиmidан сўнг бойликларини етим-есирларга тарқатишларини васият қилган. Фарзандлари отаси оламдан ўтгандан сўнг, бориўги 300 рупияси бўлганлигига гувоҳ бўладилар. Бу - улуг Хиндистон императорининг бойлиги. Шундай қилиб, Ислом ва мусулмонларга улкан хизмат қилган буюк шахс ёруғ олам билан видолашади. Шайх Али Тантовий бу улуг мусулмон ҳақида шундай деган:

«У - адолатли халифалар давомчиси!».

Аллох таоло Абу Музаффар Мухйиддин Мухаммад Аврангзеб Оламгирни ўз раҳматига олиб, жаннатига доҳил қилсин.

Хиндистондаги Ислом империясининг аҳволи нима бўлган?

Покистон Ислом Республикаси қандай ташкил топган?

Хинд экстремистларига қарши турган мусулмон баҳодири ким бўлган?

Ат-Турбонийнинг

"Ислом умматнинг 100 буюк шахси" китобидан